



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 22 апрель, № 83 (8145)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАШҚАДАРЁ: ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 21 апрель куни Қашқадарё вилоятига келди.

Ташрифдаги биринчи манзил Кўкдала тумани бўлди. Бу маъмурий бирлиқни ташкил этиш гоёси Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастуридан ўрин олган эди. Олий Мажлис Сенатининг шу йил 17 мартдаги қарорига мувофиқ, аҳолига қулайликлар яратиш ҳамда урбанизация жараёнларини тартибга солиш мақсадида Чироқчи туманининг бир қисмида Кўкдала тумани ташкил этилди.

Президент ташрифи арафасида ушбу янги туманда “Чироқчи кластер” масъулияти чекланган жамиятининг тикувчилик корхонаси ишга туширилди. Унинг биноси енгил конструкциялардан қурилган. 500 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

— **Кўрпачилар, аёллар бўйича қанча қарорлар қабул қилдингиз, ташкилий чоралар кўрпачилар. Бунинг замиридаги мақсад — сизларнинг қувончлигини кўриш. Бир аёлни, бир қизимни иш билан таъминласан, унинг кайфияти бутун хонадонга таъсир қилади, фарзандларини яхши ўқитади. Бугун ҳам кўп режалар, имкониятлар билан келдик. Ўзбекистонда орзулар амалга ошадиган замон қуришга ҳаракат қилдингиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Корхона йилига 7 миллион дона тайёр кийим ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларнинг катта қисми “Samot” бренди остида экспорт қилинади. Бунинг учун танқил хорижий брендлар билан ҳамкорлик режалаштирилган.

Кластер раҳбарига пахта ҳосилдорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, Еттиотом шаҳарчаси Кўкдала туманининг маъмурий маркази этиб белгиланган. Энди бу ерда инфратузилмани ривожлантириш зарур. Президентимиз ушбу шаҳарчани батафсил режалаштириш лойиҳаси билан танишди.

Туман ҳудуди 171 минг гектар

бўлиб, 32 та маҳалладан иборат. Лойиҳага кўра, Еттиотом шаҳарчасида туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, “Янги Ўзбекистон” массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари барпо этилади. 159 километр йўл таъмирланиб, 50 километр ичимлик суви, 80 километр электр тармоқлари қурилади.

Президентимиз янги биноларни энергия тежамкор қилиб қуриш, уйлар тепасига қуёш энергияси панеллари ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Кўкдалада 500 — 1000 мегаваттлик қуёш электр станциялари ва қуёш панеллари корхонасини барпо этиш имкониятини ўрганиш бўйича топшириқ берилди.

Шу ерда аҳоли вақиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Улар илгари Чироқчи тумани марказига 2-3 соатлаб йўл юрилгани, бу кўп қийинчилик ва харажатлар туғдирганини сўзлаб беришди.

— **Кўкдала туманини ташкил этишдан асосий мақсад бу ерда яшайдиган 182 минг нафар аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларимизни янги босқичга кўтаришдир, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Шу мақсадда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиши таъкидланди. Бу ерда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини барпо этиш учун қарийб 2 триллион сўм маблағлар йўналтирилади. Жорий йилда 260 миллиард сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари оилавий болалар уйи ташкил этган ота-оналар билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев раҳбар сифатида қатъиятли ва талабчан бўлса, шахс сифатида меҳрибон ва эътиборли инсон. Бунинг кексаларга, болаларга, эҳтиёжманд одамларга муносабатидан билса бўлади.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилояти ҳокими бўлганида Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари тартиб-

га келтиргани, Самарқандда кўзи ожиз болалар интернатида борганини одамлар халигача эслайди.

Бугун бундай меҳр-эътибор бутун мамлакат миқёсига ёйилган. Президентимиз ҳудудларга чиққанида шундай ижтимоий муассасаларга боришга вақт топади.

Яқинда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги мактаб-интернатга борганида Шавкат Мирзиёев “юртимизда умуман етимлар бўлмаса, қандай яхши бўларди” деган эди. Халқимиз бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватламоқда, барча ҳудудларда оилавий болалар уйлари ташкил этилмоқда. Натijaда сўнгги ойларда 16 та Меҳрибонлик уйидан 10 таси ўз фаолиятини тугатди.

Қашқадарё вилоятида ҳам биринчилардан бўлиб, Китоб туманидаги 5-сон ва Қамашидидаги 4-сон Меҳрибонлик уйлари ёпилди. У ерда тарбияланганларнинг бир қисми ақинлари бағрига қайтган бўлса, бир қисми оилавий болалар уйларида қабул қилинган.

Президентимиз Қашқадарёга сафари чоғида шундай меҳрибон инсонлар — Хусан Холлиев ва Гулбаҳор Хонимова, Шокир Суёнов ва Гулбаҳор Хамидова, Бахтиёр Тўраев ва Гулбаҳор Алланазарова оилалари билан учрашди.

— **Давлатимиз сиёсатини амалга ошириб, болаларнинг бошини силаб, оилангиз бағрига олганингиз учун сизларга таъзим қилиб, раҳмат айтман, — деди Шавкат Мирзиёев. — Сиз ўзлгимизни, халқимиз маънавиятини намоён этиб, намуна бўлаясиз. Бу қийин, бунинг ҳамма ҳам тушунмаслиги мумкин. Лекин бу савоб ишнинг ажру мукофоти жуда улкан. Сиз тарих яратаясиз, ўзингизга маънавий ҳайкал қўяясиз. Халқимиз бундай олижаноб фазилатларни юксак қадрлайди.**

Президент болажонларга ҳам мурожаат қилиб, далда берди.

— **Ҳаёт ўнқир-чўнқир, синовлардан иборат. Ҳозир сизлар учун синов. Лекин, мен ишонаман, келажақда тенгдошларингга ўрнат**

бўласизлар. Меҳнат, ма-шаққатсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Мен ҳам болалигимда қийинчилик кўриб, катта бўлганман. Сизлар ҳар доим давлатимизнинг эътиборида бўласиз: таълим-тарбиянинг, ўқишларга кийришингизни назоратга оламиз. Худо хоҳласа, камол-лингизни кўриш ҳаммамиз-га насиб этсин, — деди давлат раҳбари.

Қашқадарё вилоятида жами 16 та оилавий болалар уйи ташкил этилган бўлиб, уларда 98 нафар ўғил-қиз меҳр оғушига олинган. Президентимиз ушбу оилаларга ҳам миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Косон туманидаги “Косон” фермер хўжалиги даласида бўлиб, галла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

82 гектар майдонга эга хўжалик, асосан, шу экинларга ихтисослаштирилган. Ўтган йили пахтадан 41, галладан 70 центнердан ошириб ҳосил олинган. Даромад ҳам шунга яраша яхши бўлган — ўтган йили 357 миллион сўм даромад топишган.

Бунинг эвазига хўжаликка техникалар харид қилинди, сув тежовчи технологиялар ўрнатилди.

— **Бозор иқтисодиётида кичини ҳаракатлантирувчи куш нима? Манфаат. Фермер хўжаликлари ҳам даромаднинг кўпайтиришини ўйлаши керак. Даромад бор жойда ривожланиш бўлади. Унумдорликни ошириш учун фойданинг бир қисмини илмга, янги технологияларга сарфлаш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Фермер хўжалигида пахта ва галла далалари атрофига ток, тут ва ошқовоқ экилган. Президентимиз бу тажрибани кенгайтириб, барча кластер ва фермер хўжаликлари даласи атрофидаги бўш жойларда мева-сабзавотлар етиштириш зарурлигини таъкидлади.

Қашқадарёда қишлоқ хўжалигидаги энг катта муаммолардан бири — сув камлиги. Шу боис ёмғирла-ти ва томчилатиб суғориш техно-логияларини жорий этиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

“Косон” фермер хўжалигида ҳам ёмғирла-тиб суғориш ташкил этилган. Бу йил яна 23 гектар галла майдонида ёмғирла-тиб ҳамда 30 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган. Натijaда 46 минг метр куб сув, 11 тонна минерал ўғит иқтисод қилинади.

Шу ерда сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш тизимини та-комиллаштиришга оид лойиҳалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари кластерларга қарашли ерларга сув етказиб бериш бўйича улар билан давлат-хусусий шерик-ликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Косон туманидаги “Бунёдкор” пахта-тўқима-чилик кластерининг ишлаб чиқариш корхоналарини бориб кўрди.

Бу ерда давлатимиз раҳбарининг кластер гоёси асосида пахта етиштириш ва уни чуқур қайта иш-лашнинг тўлиқ сонаот “занжир”и яратилган. Биринчи лойиҳа доира-сида қарийб 21 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиб, замона-вий тикувчилик фабрикаси ташкил этилган.

Туркия ва Италиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхона йилига 6 миллион дона тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга. Даромад жиҳатидан айтганда, қарийб 100 мил-лиард сўмлик юқори сифатли ки-йим-кечаклар тикилиб, 2 миллион долларликдан зиёд тайёр маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирил-ган.

Айни пайтда фабрикада 320 на-фар хотин-қиз ишламоқда. Президент улар билан суҳбатлашиб, ишларига муваффақият тилади.

Кластерга қарашли қалава ип йигириш ва мато тўқиш қувватла-ри жорий йил июлда, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси декабр-да фойдаланишга топширила-ди. Уларда яна 700 га яқин иш ўринлари ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда соҳа мутахассислари, пахта-тўқима-чилик кластерлари раҳбарлари би-лан суҳбатлашди.

— **Биз ҳозирги кластер тизими билан енгил босқични босиб ўтдик. Энди сифат, нарх, бозор нуқтаи назаридан йўл очик. Шунинг учун кластерларимиз-нинг чет элларга хизмат сафарлари, кўргазмалари-ни ташкил этиш керак, — деди Президент.**

Тўқимачилик корхоналарини барқарор хом ашё билан таъминлаш учун пахта ҳосилдорлигини оши-риш, сунъий тола ишлаб чиқариб, самарали фойдаланиш бўйича та-всиялар берилди.

Президентимиз Косон туманида-ги “Ишга марҳамат” мономаркази фаолияти билан танишди.

Бу ерда техника ва хизмат кўр-сатиш соҳаларида 20 га яқин касб-хўналарга ўқитиш йўлга қўйилган. Ўқув ва машғулот хоналари тегишли ускуна, компьютер, муляж ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, ўқиш, ўрганиш ёши чегараланмаган. Бу ерда барча ис-товчилар, вақтинча ишсиз кишилар ҳам келиши мумкин. Бундай имко-ниятдан фойдаланиб, аҳоли меҳнат бозорига талаб юқори бўлган элек-трик, сантехник, пайвандчи, ошпаз, қандолатчи, сартарош ва тикувчи-лик каби касбларни ўрганамоқда. Уларга жаҳон стандартлари дара-жасида кўникма бериш мақсадида Германия, Туркия ва Япония давлатларидан мутахассислар жалб қилинган. Марказ қошида хорижий тилларни ўқитиш ҳам йўлга қўйил-ган.

Бу ерда нафақат Косон, балки қўшни туманлардаги ишсиз фуқа-роларга 2 ойдан 6 ойгача бўлган курсларда дарс берилади.

Давлатимиз раҳбари марказда яратилган шароитларни кўздан ке-чирди, касб ўрганаётган йигит-қиз-лар билан суҳбатлашди.

— **Сизларнинг эртанги ку-нингизга бефарқ бўлмай, касбга интилишингиз мени ҳурсанд қилди. Бундай марказларни нима учун ташкил этадингиз? Илгари**

ёшлар касб эгаллаши учун Тошкентга ёки бошқа ша-ҳарларга борарди. Энди ўша шароитларнинг ўзи ёшларнинг олдига келаяп-ти. Мақсадимиз — аҳоли-ни касб-хўнарни қилиш. Яхши хўнари бор одам иш-сиз қолмайди, керак бўлса уйдан олиб кетишади. Шунинг учун бу имконият-лардан фойдаланиб, йўлин-гизни топиб олишингиз керак, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги Фармони-га мувофиқ, аҳолининг уй-жой ша-роитини яхшилаш мақсадида жой-ларда “Янги Ўзбекистон” массив-лари бунёд этилмоқда.

Президентимиз Косон туманида-ги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда қурилаётган шун-дай уйлари бориб кўрди.

Бу ерда 2022 — 2026 йилларда 120 та кўп қаватли уй қурилиши ре-жалаштирилган. Шунингдек, мак-табга таълим муассасалари, мак-таблар, маҳалла идораси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуаси каби турли ижти-моий объектлар барпо этилади. Ушбу ҳудудда истироҳат боғи ва стадион борлиги аҳолига қулайлик яратади.

Жорий йилда 616 та хонадонли 30 та уй-жой қурилиши бошланган.

Давлатимиз раҳбари уйлари-ни сифатли қуриш, одамлар учун ҳамёнбоп қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида вилоятда ичим-лик суви таъминоти ва оқова тар-моғини яхшилаш борасидаги ре-жалар ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Касби туманидаги Қамаш маҳал-ласида бўлди.

Бу ерда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Уларга қўлай ижти-моий шароитлар яратиш мақсади-да ҳудудда “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилди.

Маҳаллага олиб келувчи йўл бўйида 40 дан ортик енгил кон-струкцияли савдо ва хизмат шохоб-чалари қурилди. Бу орқали 200 на-фарга яқин аҳоли ишли бўлди.

Хонадонлар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланди. 8 километрдан ортик ички йўлларга асфальт, 18 километр-дан зиёд қисмига қум-шағал ётқи-зилди.

Давлатимиз раҳбари Обод ма-ҳалла марказидаги шароитларни кўрди, болаларнинг санъат ва спорт тўғрақларини кузатди.

— **Бундай ишлар туғай-ли маҳаллаларга нур, ма-даният қираяпти, одамлар ўзгаришларни сезаяпти. Энди ушбу марказ халқ-имизга хизмат қилиши, доим гавжум бўлиши ке-рак. Бу ерда хизматларни кўпайтириш, ёшларни спортга, турли тўғрақлар-га жалб этиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Маҳаллада жорий йилда 600 на-фар хотин-қиз касаначилик асоси-да тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга жалб қилинди.

Кооперация асосида 50 та хона-донда инкубатор орқали жўжа кўпайтириш, 300 та хонадонда гўшт, 200 тасида туҳум йўналишида пар-рандачилик ташкил этилмоқда.

Туман фаоллари билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, бандлик масаласи ҳақида сўз борди. Давлатимиз раҳбари Касби тумани азалдан ўзига хос қулолчилик ва гиламчилик мактаби билан машхур бўлиб келганини таъкидлаб, “Хўнардан” уюшмасига ҳудудда ушбу йўналишларни ривожланти-ришга кўрсатма берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Сенат кўмитасида

ЯЛПИ МАЖЛИСГА КИРИТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



Кеча Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар, шу жумладан, “Кўп квартиралы уйлари бошқариш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, амалдаги қонунчиликда уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўп квартиралы уйға туташ ер участкасини ободонлаштириш бўйича ҳамда аҳолиға бошқа хизматлар кўрсатилган ва ишлар бажарилган тақдирда, хизматлар кўрсатиш учун тегишли солиқ тўловларидан озод этилган, бироқ ушбу имтиёзлар бошқарув таъкилотлари фаолиятида таъбиқ қилинмаётганлиги турли келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Қонунчиликдаги ана шу бўшлиқларни тўлдир-иш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун билан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодекслариға ҳамда “Давлат божи тўғри-сида”ги Қонунға тегишли ўзгартиш ва қўшим-чалар киритилмоқда.

Мазкур қонуннинг ҳаётға таъбиқ этилиши натижасида коммунал хизмат кўрсатиш соҳа-сида, жумладан, кўп квартиралы уйлари сақ-лаш ва улардан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишға, кўп квартиралы уйлардаги муҳандислик-техник коммуникация-ларни ва уйнинг конструктив қисмлари таянч қобилияти ва эмпизилға бардошлилигини сақлаб қолиш ҳамда аҳолининг хавфсиз яша-шиға шароит яратиб берилишиға эришилади.

Шунингдек, мажлисда “Халқаро тижорат ар-битражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-си Қонуни қабул қилинганлиги муносабати бил-ан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

“Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонун нормалари амалға оширилишини таъ-минлаш мақсадида Иқтисодий процессуал ко-дексға ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун-ға тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар кирити-лаётганлиги қайд этилди.

Жумладан, Иқтисодий процессуал кодексға судья ишни аввал кўриб чиқиш чоғида арбит-раж судининг арбитри сифатида иштирок этга-ни боис айнан шу ишни яна қайта кўриб чи-қишда қатнашиши мумкин эмаслиги ва рад қилиниши лозимлигини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда. Айни чоғда арбитраж муҳокама-си билан боғлиқ ишларни иқтисодий судлар судловига киритишчи назарда тутувчи янги нор-ма билан тўлдирилмоқда.

Бундан ташқари, “Давлат божи тўғрисида”-ги Қонунға арбитраж ҳал қилув қарори юзаси-дан низолашиш тўғрисидаги аризалар юзаси-дан тўланадиган давлат божи ундириш асоси ва микдорини белгилувчи ўзгартишлар киритилаётганлиги ҳам таъкидланди.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Ўзбе-кистон Республикаси Бош прокурорининг про-куратура органларининг 2021 йилдаги фаоли-яти тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси про-куратура органлари томонидан коронавирус пан-демияси шароитида аҳолини, шу жумладан, муҳ-

тож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-лаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, иқти-содиёт тармоқлари барқарорлигини сақлашға доир қонунлар ижроси устидан таъсирчан на-зорат ўрнатиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноят-ларнинг олдини олиш масалалариға қаратил-ган муайян ишлар амалға оширилганлиги қайд этилди.

Таъкидланишича, прокуратура органлари то-монидан 4 минг 187 нафар фуқароға 7 млрд. сўм кечиктирилган иш ҳақи ва бошқа тўловлар ундириб берилган. Қолаверса, 29 млрд. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар та-лон-торож қилинганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш билан бир қаторда, 170 мингта яқин фуқаролар, жумладан, 46 минг 802 нафар ёш ва 34 минг 804 нафар хотин-қиз прокуратура кўмаги билан ишға жойлаштирилган.

Шунингдек, эҳтиёжманд оилаларнинг шароитини яхшилаш мақсадида прокурорлар секторларида яшовчи 152 минг 598 та оилаға ҳар томонлама кўмак берилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият юритишис-ға тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш мақсадида 29 мингдан ортик тадбиркор ва ин-весторларға амалий ёрдам берилган.

Жумисон ва юридик шахслардан келиб тув-сан мувожаатларнинг 269 минг 906 таси бе-восита прокуратура органларида ҳал қилинган. 312 минг 386 нафар фуқаро қабул қилининг, муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилган.

Мажлисда прокуратура органлари томони-дан йўл қўйилган камчиликлар ҳам айтиб ўтил-ди. Масалан, аҳоли солигини сақлаш, жумла-дан, репродуктив саломатлигини, оналик ва бо-лалиқни муҳофаза қилишни таъминлашдаги му-аммолар оқибатида юқумли касалликлар ва гўдаклар ўлими сезиларли даражада ошган.

Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш-ға доир вазифалар ижроси етарли олиб бо-рилмаганлиги оқибатида республика бўйича 750 минг нафар ёш, 856 минг 595 нафар хо-тин-қизнинг бандлиги таъминланмаган. Оқибат-да 27 минг 931 нафар ёш ҳамда 9 минг 759 нафар хотин-қиз жиноят содир этган.

Шунингдек, тадбиркорларға ўз вақтида ама-лий ёрдам берилмаганлиги сабабли 46 минг 985 та тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатган. 10 258 таси фаолиятини турли са-бабларға кўра тўхтатган.

Муҳокама давомида таъкидланган муаммо-ларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсия-лар берилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат кўмитасининг тегишли қарор-лари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК ЎРГАНИЛМОҚДА

Айни кунларда Олий Мажлис Сенатида доимий асосда ишловчи сенаторлар жорий йил май ойида бўлиб ўтадиган маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режасидаги вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда жойлардаги комиссиялар ва ишчи гуруҳларға кўмаклашиш мақсадида республикаимиз ҳудудларида ўрганишлар олиб бормоқда.

Хусусан, Сенатнинг Мудо-фаа ва хавфсизлик масала-лари кўмитаси раиси Қўтбиддин Бурхонов Қорақал-поғистон Республикаси туман (шаҳар)ларида бўлиб, маҳал-ла раислари сайловига

тайёргарлик жараёнларини ат-рофлича ўрганмоқда. Ана шу мақсадда сенатор Эллиқалъа ва Амурдарё туманларида бўлиб, мавжуд вазиятни кўздан кечирди ва сайловни қонунда белгиланган норма-

ларға мувофиқ тарзда ташкил этиш ҳамда унга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ўз та-вияларини берди.

Шунингдек, сенатор Аму-дарё тумани ҳокими ва қатор масъуллар билан бирга, ту-маннинг Дўстлик маҳалласи ҳудудида ташкил қилинаётган “Яшил макон” боғи ҳудудиға дарахт кўчатиларини ўтқазиш жараёнида ҳам қатнашди.

Сенатор Қ. Бурхоновнинг Қорақалпоғистон Республика-сидаги ўрганиш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

МУАММОЛАР ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНДИ

Шу йилнинг 6 — 8 апрель кунлари Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида амалға оширилаётган ишлар ҳолати Навоий, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Таҳлил

Кеча мазкур кўмита томонидан ўрга-ниш яқунлариға бағишланган тадбир ўтқа-зилди. Унда депутатлар, Бандлик ва меҳ-нат муносабатлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Марказий банк, шунингдек, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари мутасаддилари, бандлик соҳасидаги масъуллар, ОАВ ва-киллари қатнашди.

Йиғилишда Навоий вилоятида жорий йилнинг биринчи чорағида 71 минг 106 на-фар аҳоли доимий ва мавсумий ишларға бандлиги таъминлангани, салкам 4 минг фуқаронинг касб-ҳунарға ўқитилгани эти-

роф этилиб, маҳаллалардаги меҳнат инс-пекторлари томонидан субсидия, грант ва микрокредитлар бўйича аҳоли ўртасида етарлича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмаганлиги эътирозларға сабаб бўлди. Бу борада янги жорий этилган ма-ҳалладаги ҳоким ёрдамчиларининг фаоли-ятда ҳам камчиликлар кузатирилмоқда.

Айни чоғда хорижий меҳнат миграция-сидан қайтган фуқароларни тадбиркорлик фаолиятиға жалб қилиш ва касб-ҳунар қўникмаларини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб борилган.

Сурхондарё вилоятида ҳудудий инвес-тиция лойиҳаларини амалға ошириш йўна-лишида 437 та лойиҳада 1 минг 157 та янги иш ўрни, янги кичик қорхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш йўналиши-

да 73 та лойиҳада 106 та янги иш ўрни яратилган.

Бундан ташқари, вилоятда аҳоли банд-лигини таъминлаш учун Бандлиқга кўмак-лашиш давлат жағмармаси ҳисобидан шу йилнинг биринчи чорағида 387 нафар фуқароға субсидиялар ажратилган бўлса, касбға тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ажратилган грант маблағлари ҳисобидан 2 минг 346 нафар фуқаро касбға ўқитилиб, уларнинг бандлиги таъминланган.

Тадбирда Фарғона вилоятида олиб бо-рилган ўрганишлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чорағида вилоят бўйича 52 минг 439 та янги иш ўрни яратиш режаланган. Амалда 108 минг 248 та иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг аксарияти ўзини ўзи банд қилганлар ҳисо-бига тўғри келмоқда.

Фарғона шаҳрида ташкил этилган “Ишға марҳамат” мономарказда 21 та йўналишда 647 нафар тингловчи таҳ-сил олмақда. Ўқув ҳамда машғулот хо-налари тегишли ускуна, компьютер ва

бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, мономарказда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ларнинг ўргатишға алоҳида эътибор қа-ратилаётир.

Тадбирда янги иш ўринларини яратиш бўйича олиб борилган ишлар эътироф этил-ган ҳолда, ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва камчиликлар танқид остиға олинди. Депутатлар уларни бартараф қилишға қаратилган таклиф ва тавсиялар берди. Вилоятлардаги ўрганиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар томонидан қилинган мувожаатларнинг енчими, аҳоли бандлиги бўйича амалға оширилладиган ишлар, инвестиция лойиҳалари асосида янги иш ўринларини яратишни ўз вақтида бажариш юзасидан самарали парламен-тозаротини таъминлашға келишиб олинди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юза-сидан кўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

2022 — 2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили”да амалға оширишға оид Давлат дастури ижроси доирасида бу йил умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларға тенг лойиҳалар ижросини таъминлаш белгиланган.

Фракцияларда

Хўш, жорий йилнинг биринчи чора-гида дастурда назарда тутилган ва-зифалар қай даражада уудланди?

Олий Мажлис Қонунчилик палата-сидаги “Адолат” социал-демок-ратик партияси фракцияси йи-гилишида Давлат дастурининг бирин-чи чорақдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, дастур ижроси-нинг сифатли бажарилишиға алоҳида эътибор қаратилган ва ҳар ойда Давлат дастури бандларининг ижро-сини таҳлилдан ўтказиш ҳамда танқид-ий муҳокама қилиб бориш тартиби жорий этилган. Хусусан, 2022 йилнинг биринчи чорағида 59 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Йиғилишда дастурни амалға оши-риш учун масъул этиб белгиланган вазирликлар ва идоралар раҳбарлар-рининг унда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсий жавобгарли-ги белгилаб қўйилган фракция аъзо-лари томонидан ижобий баҳоланди. Шу билан бирга, бажарилиш муддат-

лари кечикаётган бандларға алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Давлат дастурининг жами 607 та яхлит ва кичик бандида назарда тутилган топшириқлардан 87 тасининг ижро муддати 2022 йл-нинг биринчи чорағи этиб белгилан-ган. Шундан 64 та банд ва кичик банд тўлиқ бажарилган бўлса, 6 тасининг ижро муддати ўзайтирилган.

Шунингдек, адолат ва қонун усту-ворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига ай-лантиришда давлат органлари ва ман-сабдор шахсларнинг фаолияти усти-дан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловға эришиш даражасини ошириш мақса-дида жорий йилнинг 24 февралида Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат дастури ижроси доирасида қилинган ишларни юқори баҳолаш билан бирга, айрим бандлар ижроси-ни таъминлаш бўйича бир қатор так-

лифлар берди. Яқунда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг биринчи чорақдаги ижроси юзасидан ҳисоботи маъқулланди.

Худди шунингдек, парламент куйи палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида Давлат дастури ижросининг самарали бажарилишиға Вазирлар Маҳкамаси алоҳида эътибор қаратиб келаётгани эътироф этилди.

Хукумат томонидан тақдим қилин-ган ҳисоботға кўра, ўтган даврда аҳоли саломатлиги ва генофондиға зиён ет-казадиган мавжуд экологик муаммо-ларни бартараф этишға устувор аҳамият қаратилган.

Хусусан, атроф-муҳитнинг ифлосла-ниш даражасини баҳолаш механизм-ларини тақомиллаштириш, атроф та-биий муҳитни кузатиш, унинг ифлос-ланиш даражасини прогност қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослан-тирувчи манбаларнинг ҳолати ва атро-ф-муҳитға таъсири мониторингини амалға ошириш мақсадида “Текши-рувларни электрон рўйхатта олиш яғо-на тизимида рўйхатдан ўтказиш орқа-

ли ваколатли органини хабардор этиш тартибида атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари ва тупроқ ифлосланиши ман-баларида давлат экологик мониторин-ги ўтказиладиган ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхати” шакллантирилган.

Унга асосан, атроф-муҳит монито-ринги доирасида ҳудудий таҳлил ла-бораториялари томонидан 385 та қор-хонанинг 1 160 та манбасида мони-торинг амалға оширилиб, унинг натижалариға кўра 80 та объектнинг 110 та манбасида (атмосфера ҳавоси бўйича 18 та объектнинг 36 та ман-басида, оқова ва ер усти сувлари бўйича 58 та объектнинг 66 та ман-басида, тупроқ бўйича 4 та объект-нинг 8 та манбасида) меъёрдан орт-ган ҳолатлар кузатилган.

Ҳисобот даврида аҳолининг ичим-лик суви билан таъминланганлик да-ражасини ошириш билан бирга, рес-публика ҳудудларида ўрмонлар майдо-нини кенгайтириш ҳамда ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш мақсадида чўл ҳудудларида, жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида “яшил қоплама-лар” барпо этиш бўйича олиб борила-н ишлар, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси Мўйноқ тумани, Хоразм, Бўҳоро ва Навоий вилоятлари ҳудудларида жами 55 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилгани ижобий баҳоланди.

Мажлисда депутатлар томонидан тегишли таклиф ҳамда тавсиялар бе-рилиб, Давлат дастурининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Маҳаллий Кенгашларда

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Яқинда халқ депутатлари Қибрай тумани Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова ҳамда доимий комиссия аъзолари иштирок этди.

Тадбирда туман ҳокими ўринбосари А. Абдуқодировнинг “ёшлар дафтари”, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи И. Мухаммедазизованинг “аёллар дафтари”ни юритиш бўйича ҳисоботлари тингланди. Шун-дан сўнг “аёллар дафтари”нинг навбатдаги 3-босқичида амалға оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунға қадар ту-манда “аёллар дафтари”га киритиш учун 6 та мезон асосида 3 минг 375 нафар хотин-қиз-нинг рўйхати шакллантирилган. Жорий йилда бу “дафтар”га киритиладиган хотин-қизларға 41 турдаги хизматлар (ёрдамлар) кўрсатилиши режалаштирилаётгани ҳам қайд этиб ўтилди.

Маълумки, “аёллар дафтари”га киритила-диган хотин-қизлар рўйхати ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишға қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси имзоланган ҳолда,

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши сес-сиясига тасдиқлаш учун киритилиши белги-ланган.

Шундан келиб чиқиб, галдаги туман Кен-гаши сессияси олдидан доимий комиссия аъзолари “аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатларини бирма-бир кўриб чиқиши, зарур ҳолларда жойиға чиқиб уларнинг оилавий шароити ва муҳ-тожлик даражасини ўрганиши, эҳтиёжманд аёлларни аниқлаган ҳолда уларға комплекс ёрдам кўрсатиш устидан жамоатчилик назо-ратини ўрнатиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда Экология ва атроф-муҳитнинг муҳофаза қилиш инспекцияси бош-лиғининг 2022 йил I чорағи яқунлари бўйича ҳисоботи тингланди.

«Халқ сўзи».

Долзарб мавзу

КОНСЕРВАТВА ЁНДАШУВ ВА ХАТАРЛАРНИ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ҲУКУМАТ МОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ҚАРЗ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ЭТИШДА АНА ШУ ПРИНЦИПЛАРГА АМАЛ ҚИЛАДИ.

Ҳозирги жаҳон тенденциясига эътибор қаратилса, давлат қарзидан самарали фойда-ланиш ва ижобий натижаларға эришишни ўзид ақ эътирган стратегияларини шакллантириш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатлар қарздорлигини доимий назо-рат қилиш, давлат қарзининг ноўрин оқиб кетишиға йўл қўймақлик, ташқи ва ички қарз-ларни самарали бўшқаришда ҳар бир давлат ўзининг миллий стратегиясига эга бўлиши за-рурлигини кўрсатади.

Шу боис 2020 — 2022 йиллар учун Ўзбе-кистон Республикасининг давлат қарзини бошқариш стратегияси ишлаб қиқлди. Стра-тегия доирасида давлат қарзини диверсифи-кациялаш мақсадида Давлат бюджетте дефи-цитини, аввало, давлат қиммати қозғонларини ички бозорда жойлаштириш орқали қоплашға ҳаракат қилинмоқда.

Давлат қарзи ҳисобидан молиялаштирил-ган ва яқундан лойиҳалар мажбурий тар-тибда Ҳисоб палатаси томонидан аудитдан ўтказилади, оммавий ахборот воситалари ва-киллари ҳамда Қонунчилик палатаси депутат-лари иштирокчида муҳокама қилиниши белги-ланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб қабул қилинди. Мазкур қонун лойиҳасиға Халқаро валюта жағмармаси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтлари экспертлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қонун лойиҳасида давлат ички ҳамда ташқи қарзлари таснифи, давлат бошқаруви органларининг давлат қарзини жалб қилиш ва бошқариш соҳасидаги ваколатлари, давлат қор-хоналари томонидан қарз маблағларини жалб қилиш, давлат қарзи бўйича лимитлар ҳамда уларни ўрнатиш қондалари, шартли мажбури-ятларни қилиш, давлат қарзига ўз вақти-да ва тўлиқ ҳимоят кўрсатилиши ҳамда давлат қарзини бошқаришда шаффофлик ва маъ-лумотлар очкичилигини таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, давлат қарзи статистикаси шаф-фофлигини таъминлаш мақсадида давлат қарзи ҳолати ва уни шакллантирувчи омиллар, дав-лат қарзи ҳисобидан молиялаштирилаётган лойиҳалар ҳамда давлат қарзини бошқариш

тизими самарадорлигини кўтариш борасида амалға оширилаётган чоралар тўғрисидаги маъ-лумотни қамраб олувчи Ўзбекистон Республи-касининг Давлат қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи, олийқ қарздорнома ва ҳисоботлар рас-мий веб-саҳифаларда ҳамда “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”-да мунтазам равишда эълон қилиб бори-лмоқда.

UNCTAD ва Осиё тараққиёт банки кўмаги билан Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи мониторингини юритиш, унга хизмат кўрсатиш, ҳисоб ва ҳисоботларни автоматлаштириш мақ-садида Молия вазирлиги томонидан давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизи-ми (DMFAS-6 дастурий мажмуаси) жорий қилинди. Шу билан бирга, йирик инвестиция-вий лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида молиялаштириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат қарзи ҳисобидан молиялаштирила-диган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлаш, идораларога эксперт-тизадан ўтказиш, мониторинг ҳамда натижа-дорлигини баҳолаш бўйича Президентимиз-нинг тегишли қарорига мувофиқ Инвестиция-лар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Халқ-аро ҳамкорлик агентлиги ташкил этилди.

Шунингдек, Давлат бюджетте дефицитини имкон қадар ички қарз ҳисобидан қоплаш мақ-садида Молия вазирлиги АҚШ Фазначилиги ҳамда Осиё тараққиёт банкнинг мутахассис-лари билан биргаликда мамлакатимизда ка-питал бозорни ривожлантириш устида иш олиб боришмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати халқаро молия институтлари ва хо-рижий давлат молия таъкилотларидан қарз маблағларини жалб қилишда консерватив ёндашулға ва хатарларни бошқариш тамо-йиллариға амал қилади. Бугунги кунда давлат ташқи қарзи қолдигининг асосий фойз қисми Давлат бюджетте ҳисобидан эмас, балки ин-вестициявий лойиҳаларға жалб қилинган маб-лағларни ташкил этиб, ушбу қарздорлик лойиҳаларни амалға оширишдан тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Жамшод ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Бағрикенглик

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

21 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида янги очилган Кўқдала тумани фаоллари билан учрашувда юртимизда биринчилардан бўлиб Китоб туманидаги 5-сон ва Қамашидидаги 4-сон Меҳрибонлик уйлари ёпилиб, уларнинг тарбияланувчилари оилавий болалар уйларига олинганини мамнуният билан қайд этди.

Бу борада ўрناق қўрса-таётган бағрикенг қашқадарё-лик Гулбахор Хонимова ва Хусан Холлиев оилалари 10 нафар, Шокир Суёнов ва Гулбахор Ҳамидова оилалари 8 нафар, Гулбахор Алланазарова ва Бахтиёр Тураев оилалари 5 нафар ота-она меҳридон мосуво болаларни ўз қарамогига олганини давлатимиз раҳбари маънавий жасорат деб атаб, улар-

бўлган 5 нафар бола келди. Оила бекаси уларни қуюқ очиб кутиб олди, меҳрога ташна болалар ҳам аёлдан ётсирамад-ди, ўзларини она бағрига отишди...

—Энди ўн нафар фарзанд-дим бор, — дейди Муқаддас Қодирова. — Бу болалар учун айнаи пайтда энг муҳими — билим олиш. Шунинг учун би-ринчи галда репетитор ёлла-дик. Болаларим Қарши тумани “Хониён” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 7-мактабда ўқишади. Ҳасан-Хусан им 11-синфни битириш арафасида, орзуси — Миллий гвардия сафларида хизмат қилиш. 13 ёш бўса-ғасида турган Жонибек ҳам олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлики бошлаб юрган. Шердил 8-синфда, Саидакбархон 7-синфда ўқийди. Тўғриси, уларга шу қадар ипсиз боғла-ниб қолдимки, бир кун кўрмасам соғи-ниб қолам.

Бир гал энг кичик ўғил Саидакбархон Муқаддас опа тандирдан нон узиб, иссиққина қулчани узатган-нида йиғлаб юборди. Уни ҳарчанд овуттишга ҳаракат қилишса-да, йиғидан тўхтай демасди. Сўнг болакай “Нега сиз менинг онам бўлмагансиз, нега сиз мени дунёга келтирма-гансиз?” дея онага талпин-ди. “Нега ундай дейсан? Онангман-ку!” — Муқаддас опа уни бағрига босаркан, бўғзига нимадир тикилди, яноқларига сизиб тушган кўз ёшларини шоша-пиша артди...

га ўз номидан ва бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирди. Чиндан-да, Қашқадарёда бундай оилалар яна кўплаб топилади. Қарши туманида яшовчи Муқаддас Қодирова ана шундай оилалардан би-рининг меҳрибон бекаси.

У ким билан суҳбатлашмасин, гап айланиб “боланинг бегонаси бўлмаслиги” ҳақида тўхталади. Шу босими, йиғлаб турган ёки йиқилиб тушган бола олдидан беэтибор ўтиб кета олмайди. Дарров кўз ёшларини артиб, бағрига бо-сади, худди ўз боласидай эр-калайди. Узининг беш фар-занди ҳам Муқаддас опадан шундай чиройли ўғитларни эшитиб улгайган. Онанинг ширинсўзлиги, бола тарбия-си борасида теран қарашла-ри ва таҳрибаси туфайли беш фарзанднинг ҳаммаси олий маълумотли, асосийси, яхши хислатлари билан кўрган ки-шининг ҳавасини келтиради.

Яқинда Муқаддас опа те-левизорда Тошкент шаҳрида-ги Меҳрибонлик уйи тарбия-ланувчилари оилавий болалар уйига жойлаштирилаётгани ҳақидаги қўрсатувни кўриб, у ҳам ўз уйида болалар уйи очишни ният қилди. Унга дои-мо елкадош турмуш ўртоғи Сайёд Собиров ҳам бу фикр-ни маъқуллади. Тегишли идо-рага ариза берилгач, комис-сия келиб ўрганди ва ўй-жой-ни, оиладаги муҳитни эъти-борга олиб, шу хонадонда 10-сонли болалар уйи таш-кил этишга қарор қилишди.

Муқаддас опанинг севинчи ичига сиғмасди. Орадан бир неча кун ўтиб, бу шинам хо-надонга 14 ёшдан 18 ёшгача

ўғил Саидакбархон Муқаддас опа тандирдан нон узиб, ис-сиққина қулчани узатганида йиғлаб юборди. Уни ҳарчанд овуттишга ҳаракат қилишса-да, йиғидан тўхтай демасди. Сўнг болакай “Нега сиз менинг онам бўлмагансиз, нега сиз мени дунёга келтирмагансиз?” дея онага талпинди. “Нега ундай дейсан? Онангман-ку!” — Муқаддас опа уни бағрига бо-саркан, бўғзига нимадир ти-килди, яноқларига сизиб туш-ган кўз ёшларини шоша-пиша артди...

Қарши туманида очилган 10-оилавий болалар уйи 5 на-фар болани чин маънода меҳр-оғушига олган. Президентимиз томонидан қўрсатилгаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси бўлган бу мўъжазгина оилавий болалар уйига яқинда Қарши тумани ҳокимлиги болаларни ҳимоя қилиш шўъба мудир Маъмур-жон Абдуллаев ҳамда халқ де-путатлари туман Кенгаши де-путати Рўйиқдин Бердиевга ҳамроҳ бўлиб бордик. Тарбия-ланаётган болалар билан му-лоқотда бўлиб, уларнинг ўй-фикрлари, орзулари билан қизиқдик. Болалар яшаётган уй ва хоналарнинг умумий аҳво-ли, санитар-гигиеник ҳолати тўлиқ ўрганилди.

Очилишни айтганда, бола-ларнинг ёниб турган нигоҳла-ридаги хотиржамлик ва мам-нуният уларнинг қандай ша-роитда яшаётганидан далолат бериб турарди. Фақат она меҳри, ота ғамхўрлигидан баҳ-раманд фарзандлардагина ма-на шундай нигоҳларни кўриш мумкин.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Тошкентдан қарийб 1400 километр олисда, одамлари ҳар куни умид ва яхшилик, янгилик тонгини кутиб яшайдиган бир овул бор. Қиши жуда совуқ, ёзи эса ўта иссиқ, баҳори анча кеч келиб, кузнинг ҳосилини кўлдаги балиқнинг вазни билан улғайдиган бир эл бор. Орзулари кўнглидан ҳам юксаклиги ерга бағрини бериб ётган қадим қум

тепаликларини ғурур билан “таў”, дея аташидан билинади. Тахтақўпирликлар кўпроқ чорвачилик билан шуғуллангани боис баҳорнинг кўпроқ куй қўзилаб, эчки улоқлайдиган пайтини кутишади. Кўклам йилни белгилайди. Том маънода ҳам. Бу баҳорни эса тахтақўпирликлар, белтовликлар узоқ кутишганди.

КўНГИЛЛАР БУГУН БАЛАНД ЖЎШИШГА ҲАҚҚИ БОР...

...Йиллар давомида четда қолиб, уну-тлаётган Белтовда ҳаёт гўёки қайта жон-ланди. Ваҳоланки, одамлар бу ерлар-дан, сувдан умид узаётганди. Кўпчилик оиласини, бола-чақасини боқиб ил-ин-жида, туғилиб, улғайган уйларини маж-бур ташлаб кетди. Сўнгги ўн — ўн беш йилда Қаратеран қўлининг бағрида, Бор-штовнинг эстагида жойлашган Белтов деярли йўқолаётганди. Бир пайтлар гул-лаган овулга келган киши ташландиқ уйларга дуч келарди. Кечкурунлари са-ноқли уйлардагина чирок ёнади.

Роппа-роса бир йил аввал Президент ташаббуси билан Белтовга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Тошкент-дан катта гуруҳ келиб, бу ердаги ҳар бир масалани чуқур ўрганиб чиқди. Овул-да “Обод қишлоқ” дастури ижрога қар-тилди. Бу ишларга булун туман ахли жалб этилди. Тахтақўпирликлар кўз ўнгиде овул

қурилди. Овулнинг ўртасида файзли маҳалла идораси қад ростлади. Олди-да Ўзбекистон байроғи ҳўлиради. Президентимизнинг амалий ташаббу-си ва кўмаги туфайли Оролбўйидаги ҳар бир овул кўркам масканга айлан-тириляпти. Табиийки, бу каби саяё-ҳаракатларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг аҳамияти катта бўляпти.

“Белтов” овул фуқаролар йиғини ту-ман марказидан 40 чақирим олисда жой-лашган бўлиб, яқин-яқингача шароити оғир ҳудуд ҳисобланар эди. Бугун овул-да 1 минг 68 нафар аҳоли ашайди. Шун-дан 134 нафари ёшлар, 499 нафари аёл-лардир. Овул “Обод қишлоқ” дастурига киритилгач, бу борадаги ишлар янада жадаллашиб кетди.

Дастурга асосан марказий кўчаларга 2,7 километр қум-шағал аралашмаси ва 1,2 километр қора қопла-ма ётқизилди. “Оржап” ка-налининг пиёдалар кўпри-ги, марказий кўчаларнинг 1,8 километрлик бетон ариқлари, 3,1 километрлик пиёдалар йўлаклари обо-донлаштирилди. Марказий кўчаларга 28 дона тунги ёритиш ускунаси ўрнатил-ди. Шунингдек, 5,5 кило-метр электр тармоқлари янгиқдан тортилиб, 81 дона темир-бетон симёғоч ва 28 та тунги ёритқич чиқроқ-лари билан жиҳозланди, 2 та трансформатор ўр-



янгидан қурилди. Белтов янгиланган янги кўчалар, спорт майдонларида бо-лаларнинг бахтли овози янграб турган овулга айланди. Нафакат ҳар бир ўй таъмирланди, балки юраклар, қалблар-га таскинлик инди. Одамлар кўзига нур, кўнглига ишонч кирди. Қўмлик бўлиб қолган сой сувга тўлди. Болалар май-дончаси, спорт зали, футбол майдони

натилди. Сўнги чўққилантирувчи станция-дан янги қувурлар тортилиб, Белтов ову-ли аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Хўзирги кунда 37-оилавий шифокорлик пункти филиали биносиде таъмирлаш ишлари олиб бориломқда. Ҳўдуд марказидаги эски, ташландиқ ҳолга келиб қолган маданият маркази таъ-мирланди. 99 та хонадоннинг том қисми

тўлиқ шиферланиб, 1 та ташландиқ маҳалла идораси қад ростлади. Олди-да Ўзбекистон байроғи ҳўлиради.

Умуман олганда, кенг кўламли қури-лиш ва реконструкция ишлари амалга оширилиши туфайли ҳўдуд қиёфаси ўзга-риб, аҳолига барча шароит яратилди. Булардан, албатта, одамлар рози. Овул-даги қай бир киши билан гаплашманг, буни таққорлашдан чарчамайди.

Ўразгул опа Сиддикова шу ерда ту-ялган. Овулини яхши кўради. Шу боис бошқалар қўшни давлатга кўчиб кетган-нида ҳам у қолди. Бориға кўниб, сабр қилиб, эртанги кўнни, тўғрироғи, бугун-ни кутиб яшади.

— Бугун бахтиёрман, розиман — дей-ди у. — 20 та товуқ, 10 тақа қўён, 2 та сигир, 10 та эчкимиз бор. Келиним ва невараларимга етади. Тухум, гўшт, сўт ўзимизда — текин. Яқинда мўтасадди-лар келиб, иссиқхона қуриб беришди. Мана, иҳаматина жойга турли йўқатлар, помидор, боддинг эчкик, новдаларига қаранг...

Айтмоқчи, сув йўқлиги, ернинг ярқ-сизлиги сабаб, яқин йилларда Белтов томонларда томорқага экин экиш деяр-ли йўқолиб кетганди. Полиз маҳсулот-ларини жанубий туманлардан бир неча боровар қимматга олиб келишарди.

Қўлдан берганга қўш тўймайди. Иш-чи? Албатта, ҳар бир оиланинг ойлик бюджети бўлиши керак. Рўзгорга нима-дир олмақчи бўлсанг, чўнтакка қарай-сан. Катта шаҳарда ҳам, кичик бир овулда ҳам шундай. Дастурхонда витаминлар бўлиши, болалар яхши еб, ичиши керак.

Янги маҳалла идорасининг ёнида бир неча кичик қорхоналар очилди. Ўразгул опанинг ўзи ҳам, келини ҳам шу ердаги жўн қорхонасида ишлайди. Бу ердаги қўй-эчкиларнинг жўнлари си-фатли. Зотан, бежиз шу ерга келиб ишламаяпти-да қашқадарёлик тадбир-кор. Овул келинлари эса яқиндан бошлаб бу ердаги тикув қорхонасига ишга

жойлашишди. Ойлик маошлари ҳам бош-ланишига ёмон эмас, буюртманинг ҳаж-мига қараб, яна ошириб борилади.

Бир пайтлар Тахтақўпир марказидан келишга оғринадиган масканга энди Су-р-хондарёдан, Жиззахдан, Қашқадарёдан инвесторлар келяпти.

Овул тарихида илк бора замонавий болалар богчаси қад кўтарди. Бу ҳам ёш оналар учун катта қўлайлик. Тиббиёт пункти ҳам шу ерда. Бунгача оддий тиббий маслаҳатлар учун овул халқи 30 километр масофадаги туман мар-казига қатнардди. Ишонасими, энди овул-нинг замонавий ҳаммоми ҳам бор.

Инсон қадри учун, одамларнинг рози бўлиб яшаши учун қилинаётган бундай саяё-ҳаракатлар, эзгу амаллар бугун юртинг энг чекка ҳўдуди — Белтовга ҳам етиб келди. Бекиёр дилингиздаги тилингизга қўнади — бўларкан-ку!

Белтов — табиат кашфиётларидан бири. Бир томонда сап-сарик қум тепа-ликлари, унинг бағрида сой, атрофи эса кенг дала, дарактзорлар... Контраст ман-зара.

Бу ерга ҳаёт бахш этиб турган неъматнинг қадрини белтовликлар яхши билишади. Сув — бу ҳаёт. Белтовлик-лар бугунги эътибор, ислохотлар қадри-ни чуқур ҳис қилади. Овулларнинг ри-вожи учун муҳим бўлган “Бўзхан” канали, 3 та сув чиқарувчи электр насо-си таъмирланди, шўнча сув чиқарувчи



Шу орада қизнинг дўмбирага жўр бўлган сеҳрли ово-зидан юрагинг ҳапқиради. Сўзга эътибор беринг: овулдан одам қўнса-да, одамдан овул қўнмайди!... Бу келажақнинг овози, юртга, она ерга бўлган садоқат-нинг, чексиз муҳаббатнинг овози эди.

Кўнгилаб бугун баланд жўйишга ҳаққи бор, Белтов эҳтиятти, ҳис қилляпти. Овул одамларининг бундай обод, покиза гўзаллиқи кўрмаганига анча бўлганди.

Баҳор шабадаси нақадар ёқумли...

Назира МАМЕТШАРИПОВА, журналист.

«АГАР ШУЛАР ЎЗБЕКИСТОНДАН БЎЛСА, СЕН ЖАННАТДАН КЕЛИБСАН!»

Навоий вилоятининг Хатирчи ва Навбахор туманлари ер ҳамда иқлим шароити мева ва узумчилик учун ниҳоятда қўлай. Ушбу ҳудудларда етиштирилган олма, ўрик, нок, шафтоли ва узум ҳамда майизнинг таъми бир умр киши оғзига қолади.

Инвестиция

“Шиддатли жангларнинг бирида ярадор бўлиб госпиталга тушидим, — дея хотирла-ган эди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, хатирчилик Эрназар бобо. — Кўп қон йўқот-гансан, деб ҳар куни беш-олти дона майиз беришарди. Таъми ўзимизнинг Учқора майизига ўхшайди. Кейин сўраб-суришти-риб охирига етдим: майиз солинган қоплар-га “Хатирчиликлардан — фронтга!” деб ёзиб қўйилган экан”.

Саудия Арабистонига олма, нок, анор олиб борган журналист ҳамкасбимиз Жонибек Шўхратов шундай ҳикоя қилиб:

“Ноқдан татиб кўрган мезбонларнинг бар-моқлари ширадан бир-бирига ёпишиб қолди. Анордам худди шундай бўлди. Хайратдан ёқа ушлаган араблар “Агар шулар Ўзбекис-тондан бўлса, сен жаннатдан келибсан!” дейишди...”

Вилоятнинг Навбахор туманидаги Қора-жон қишлоғида “Paradise Garden” (“Жаннат боглари”) масъулияти чекланган жамиятига асос солинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қорхона фаолияти учун 30 гектарлик бог май-дони ажратилиб, Италиянинг “Dela Tof Fala” ҳамда Корея Республикасининг “Beahd” ком-панияларида ишлаб чиқарилган технология-лар ўрнатилди. Ушбу ускуналарда турли ме-валар ювилиб, юз фоиз табиий шарбат си-қиб олинади ва пастеризация қилиниб (озик-

овқат ва ичимликликларнинг яроқчилигини ўзайтириш учун иссиқлик билан ишлов бе-риш жараёни — таҳр.), “Dovil Pak” пакетлари-га “Сок Востока” бренди билан қадокланади.

— Махсулотимизнинг 70 фоизи Россия, Беларусс, Қозогистон ҳамда Корея Респу-бликасига экспорт қилинади, — дейди МЧЖ раҳбари Шавкат Турдиев. — Шу тарика Еуро-па стандартларига тўла мос шарбатлари-миз “Сок Востока” номи билан савдога чи-қарилмоқда.

Қорхона ишлаб чиқариш ҳажмини кен-гайтириш мақсадида Италия ва Словения давлатларининг шарбат машинасозлиги қор-хоналари билан янги технология хариди бўй-ча шартнома тузди. Ишлаб чиқариш қува-тининг оширилиши қорхона экспорт геогра-фияси ва ҳозирча 33 кишилик меҳнат жа-момаси сафининг кенгайишига замин ярати-ши тайин.

Темур ЭШБОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Бошқарув маҳорати кафедраси доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза;
- Оқимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- Маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- Паспорт нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати (Илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- Малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 71-232-60-62, 71-239-89-00.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI HARBIY MUSIQA AKADEMIK LITSEYI 2022/2023-o‘quv yili uchun «Damli va zarbli cholg‘ular ijrochiligi» yo‘nalishiga QABUL E‘LON QILADI

Akademik litseyga umumiy o‘rta ta’lim maktabining 4-sinfini tamomlagan nomzodlarning hujjatlari 1-iyundan 20-iyungacha qabul qilinadi.

Qabul komissiyasiga quyidagi hujjatlarni taqdim qilishlari lozim:

- nomzodning ota-onasi (ularning o‘rmini bosuvchi shaxslar) tomonidan akademik litsey direktori nomiga ariza (namuna beriladi);
- nomzodning ota-onasi (ularning o‘rmini bosuvchi shaxslar) tomonidan to‘ldirilgan so‘rovnoma (namuna beriladi);
- nomzodning tug‘ilganlik haqidagi guvohnoma nusxasi;
- 086-U shakl bo‘yicha tibbiy ma‘lumotnoma;
- nomzodning tibbiy daftarchasi (063 shakl);
- 6 dona 3x4 sm. o‘lchamli rangli fotosurat;

nomzodning o‘qish joyidan baholar tabellining nusxasi;

ota-onasi pasport va nikoh guvohnomalari nusxasi hamda ularning ish joyidan (ishsiz holda mahalladan) ma‘lumotnoma;

Manzil: Toshkent shahri, Chilonzor tumani, “S” mavzesi.

Qo‘shimcha ma’lumotlar uchun: 71-276-92-36, 71-276-89-03, 71-276-34-65;

Web-site: www.hmal.uz, elektron manzil: mghmal@umail.uz

Telegram: +99897 3445757 (HMAL QABUL 2022).

HARBIY MUSIQA AKADEMIK LITSEYIGA O‘QISHGA MARHAMAT!

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ томонидан «Ҳаётий муҳим инфратузилмани қўллаб-қувватлаш дастури: электр энергетика соҳасини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича

ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси доврида аҳоли, бюджет, базовий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4691-сонли, 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сонли, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги “Ҳаётий муҳим инфратузилмани қўллаб-қувватлаш дастури: электр энергетика соҳасини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 478-сонли қарорларига мувофиқ, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан ЕТББ иштирокида ушбу лойиҳа ижросини таъминлаш ишлари олиб бориломқда.

Лойиҳа доирасида “Навоий ИЭС” АЖ, “Сирдарё ИЭС” АЖ ва “Тахиташ ИЭС” АЖ эҳтиёжлари учун очиқ тендер савдолари орқали эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу тендер Европа тиклиниш ва тараққиёт банкнинг электрон харидлар портали (www.ecepp.ebrd.com) орқали 2022 йил 19 апрелдан 3 июнгача эълон қилинади.

Тендер талаблари билан танишиш учун ушбу ҳавола орқали www.ecepp.ebrd.com/delta/noticeSearchResults.html (“Uzbekistan: Supply of operational and maintenance inventories”) тендер ҳужжатларини юклаб олиш ва иштирок этиш мумкин.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори ҳамда Тери ва танаосил касалликлари кафедраси доценти Қаҳрамон Ҳайтовга отаси

Нажмиддин ҲАЙТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия қилди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА



2016 йили Президент лавозимига сайланган Шавкат Мирзиёевга оғир мерос қолган бўлиб, унинг олдида амалга оширилиши ўта мураккаб ва чигал муаммолар турар эди. Бугун баралла айтиш мумкинки, тарихан ўта қисқа фурсатда мавжуд қийинчиликлар бартараф этилди ва Янги Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий пойдевори яратилди. Юртимиз қиёфаси, халқимиз дунёқараши тубдан ўзгарди. Лекин булар осонлик билан юз бермади.

Фикрларимиз шулар ҳақида.

Мушоҳада

Харакатлар стратегияси — мамлакат иқтисодий пойдеворини яратиш йўлида ташланган улкан қадам

Шавкат Мирзиёев Президент вазифасини бажаруви лавозимига сайланиши билан вилоятларга чиқиб, оддий халқ вакиллари, турли касб эгалари билан бевосита мулоқотда бўлиб, жойлардаги ютуқ ва камчиликлар, мавжуд муаммолар билан янада кенгрок танишди, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Сайлов кампаниясида Президентликка номзод сайловчилар олдида бутунлай янги ва халқчил дастур билан чиқди. Халқимиз у кишига ишонди ва яқдиллик билан ўз Президенти этиб сайлади.

Сайловолди дастури ва халқ билан бўлган бевосита учрашувларда аҳоли билдирган тақлифлар асосида Президент “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси”ни ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан амалиётга жорий эта бошлади.

Ўтган қисқа фурсатда бажарилган ишларни сарҳисоб қилиб, айтиш мумкинки, Шавкат Мирзиёев Харакатлар стратегиясида белгиланган чора-тадбирларини ошиги билан бажарди. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши наинки юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, балки бизнинг дунёқарашимизни ҳам бутунлай ўзгариштириб юборди.

Харакатлар стратегияси демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳуқуқий соҳадан тортиб то хавфсизлик масалалари, мамлакат миқёсидан тортиб то чекка-чекка туман ва қишлоқларни ўйлантираётган масалаларни ҳал қила олган умумдавлат аҳамиятига эга ҳужжат сифатида Ўзбекистон тарихида қолди.

Харакатлар стратегиясида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалий натижалари янги Ўзбекистон, жумладан, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида ташланган улкан қадам бўлди.

Халқ қабулхоналари тафаккуримизни, ҳаётимизни кескин ўзгариштири

Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Биз узоқ йиллар давомида айрим давлатлар раҳбарларининг йилда бир ёки икки марта халқ билан бевосита мулоқот қилишлариға ҳавас билан қараб юрдик. Президент Мирзиёев жохон тарихида кам учрайдиган ҳодиса, яъни мамлакатимизда **одамлар билан тўсиқларсиз йил давомида доимий мулоқотни амалга ошириш тизимини яратди**. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги виртуал қабулхонаси, кейинроқ Президентнинг Халқ қабулхоналари ташкил этилди, давлат раҳбари ва бошқа мутасаддилар ҳудудларда халқ билан очик мулоқотлар ўткази бошлашди. Булар халқимиз оғи ва руҳини кескин ўзгариштирди. Негаки, виртуал ва Халқ қабулхоналари, аҳоли билан жонли учрашувлар жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасида ҳақиқий аҳвол қандай эканлигини равшан кўра олиш имконини яратди. Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали ҳамда жонли учрашувларда фуқаролар шу пайтгача хал бўлаётган муаммоларини Президентга тўғридан-тўғри еткази бошлашди ва уларга тезда ечим топилиди.

Бу тадбирлар ҳамюртларимизнинг қарийб йўқолаётган адолатга ишончи қайта тикланиши учун муҳим восита бўлди. Қабулхоналарга келаётган аризалар ўз ҳолиға ташлаб қўйилмапти, аксинча, раҳбариятнинг доимий эътиборида турибди. Президентимиз таъбири билан айтганда, бу борада “**Бизнинг асосий мақсадимиз — Халқ қабулхоналариға қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат**”.

Амалдорларнинг халқ олдидаги масъули-

яти кескин ошди. Барча бўғиндаги **раҳбарларнинг фаолияти улар одамлар ташвишиға боғлиқ бўлган муҳит яратилди**. Ҳамма идора ва ташкилотларда фуқаролар қабулхоналари ташкил этилди. Давлат хизматлари агентлиги тузилди ва бу йўл билан биттагина ҳужжат олиш учун аҳолининг қатор идораларда сарсон бўлиб юришидан беамъни ҳолатга барҳам берилди. 10 — 15 та идорадан бир неча ой мобайнида овозра бўлиб йиғадиган ҳужжатларимизни шу битта ташкилотдан оладиган бўлдик. Одамлар арзини айтгани идораларға эмас, амалдорлар аҳоли дарагини эшитиш учун унинг олдиға борадиган бўлди. Булар ҳам раҳбарлар ва халқнинг оғини кескин ўзгариштирди. Амал эгалари аслида халқнинг хизматкори бўлиши кераклигини тушуна бошлашди.

Кўшнчилик муносабатлари тикланди

Яқин ўтмишда Марказий Осиёнинг бешта кўшн давлатлари иқтисодиётларининг бир-бирларидан узоқлашиши уларнинг барчасига катта салбий таъсир кўрсатди. Шавкат Мирзиёев бу ҳолат Марказий Осиё давлатлари ва халқларига жуда катта маънавий ва иқтисодий зарар келтириб турганлигини чуқур хис қилган. Шу боис Президент лавозимига келгандан кейин дарҳол ташки сиёсатни буткул ўзгариштириб, ҳамма давлатлар, айниқса, кўшн давлатлар билан алоқаларни тубдан кенгайтириш йўлини бошлади.

Ўзбекистоннинг очик, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, ички ҳамда халқаро транспорт

у пайтларда билими, ақли ва меҳнатнинг миқдори ҳамда сифатидан қатъи назар, инсон бойиши мумкин эмасди. Бу қоидаға рияқатчиликлар аёвсиз жазоланарди. Шўролар ота-боболаримизнинг тадбиркорлик тафаккури ва салоҳиятини йўқ қилди, бою бадавлатларимизнинг барча бойлигини тортиб олиб, ўзларини жиҳсонан маҳв этди ёки ўзоқ ўлкаларға сургун қилди. Хуллас, асрлар давомида ўзининг юксак тадбиркорлик даражаси билан оламни ҳайратта солиб келган халқимиз шўролар даврида бу хислатидан фойдалана олмади.

Президент Мирзиёев иқтисодий ривожланишнинг тўсқини бўлган бундай беамъни ҳолатни ҳам тубдан ўзгариштирди. Давлатимиз раҳбари “**Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади**” ширини олға сурди. Тан олиш керакки, Юртбошимиз томонидан мазкур ғояни олдинға сурши ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда инқилобий характерға эга бўлди. Аслида, Президент таъбири билан айтганда, инсон ҳаётининг барча масаласида тадбиркор бўлиши керак. У ҳукумат раҳбарими, ҳокими, хусусий тадбиркор, ишчи ёки оддий бир деҳқонми, ким бўлишидан қатъи назар, тадбиркор бўлиши лозим. Бу сифатға эга бўлмаган ўқувсиз шахслардан иборат жамиятнинг эса келажағи нурсиз.

Шу боис юртимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бутунлай янги ҳамда замонавий талабларға жавоб берадиган механизм яратилди. Янги қонунлар ва тартиблар ишлаб чиқилди, мавжудларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Тадбиркорликни бошлаш учун руҳсатнома олиш тизими содда-лаштирилди, унинг кўп турларига лицензия олиш умуман бекор қилинди. Тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча тури бекор қилинди.

ташқил қилган корхоналарда 5 миллион киши меҳнат қилмоқда. Бу халқ турмуш фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартиришға улкан ҳисса қўшди.

Энг муҳими, 1917 — 2016 йиллар мобайнида халқимизнинг қарийб йўқолиб кетаётган тадбиркорлик тафаккури ва салоҳияти яна қайтадан тиклана бошланди.

Мамлакат улкан қурилиш майдониға айланди

Сўнги 5-6 йилда бутун Ўзбекистон улкан қурилиш майдониға айланди.

Кимдир янги бизнес бошлапти, кимдир ишини кенгайтириш учун банктан кредит оляпти, бошқа биров янги офис қурапти. Шаҳарларимиз, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгаришти. Ситилар, уй-жойлар, завод-фабрикалар қуриляпти.

Қурилиш майдонларида гўё ўзоқ йиллик уйдудан уйғонгандек кўтаринки руҳ ҳукмрон. Президентимиз ўзининг Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги шиддатли, жўшқин хатти-ҳаракатлари билан қурувчиларимизни ҳам янада юксак марраларға ундамоқда.

Янги Ўзбекистоннинг қурилиш тармоғида аҳолиға арзон ва сифатли уй-жой қуришға жуда катта эътибор қаратилляпти. Мингмиглаб оила ўз уйиға эга бўляпти.

Қурилиш соҳаси мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим драйверларидан бириға айланди. Бу тармоқнинг ривожини бинокорлик материаллари, ўсуқналари ва ашёлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб ёндош соҳа ва тармоқларнинг тараққий этишиға ҳам катта туртки берапти.

Энг муҳими эса қурилиш соҳасида юз



бераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан мамлакатимизда хорижий валютани эркин сотиш ва сотиб олишнинг янги бозор механизмини жорий қилиш бошланди.

Айрим давлатларда конвертациянинг бошланиши ҳамма учун мулоқот қутилмаган пайтда ва олдиндан эълон қилинмасдан бошланди. Шу боис кўпчилик қашлаб қолди ва бундан жуда катта моддий зарар қуради. Бизда эса ўзбек сўмининг конвертацияси бошланиши 2017 йилнинг бошидак ҳаммага маълум қилинди. Конвертациянинг 5 сентябрдан бошланиши ҳақидаги Фармон ҳам 2 сентябрда эълон қилинди.

Конвертация, энг аввало, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, экспортни рағбатлантириш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш учун зарур эди. Хорижий инвестор учун миллий пул бирлиги эркин конвертация қилинмаса, у бундай мамлакатға келишдан чўйиди.

Негаки, у бошқа давлатлардан олиб келган валютасини хоҳлаган пайтда ва хоҳлаган миқдорда конвертация қилиши, айниқса, ўзи ишлаб топган фойдани бошқа мамлакатға олиб кетиш имкониятиға (ҳуқуқиға) эга бўлиш керак.

Мазкур Фармон юртимизда шундай шароитни яратди.

Вилоятларға ташрифлар — ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг жаҳонда янги ва самарали усули

Ўзбекистон Президенти давлатни бошқариш амалиётиға катта **янгилик олиб кирди**. Яъни Шавкат Мирзиёев давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ташқил этиш ва бошқариш жараёнида бугун жаҳонда янги ҳодиса сифатида эътироф этилаётган усулни кашф қилди.

Бу усулнинг муҳияти шундаки, муайян бир вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларини бошқариш бўйича тегишли Фармон қарор-

айниқса, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш борасида эришаётган ижобий натижаларимизда яққол намойён бўлмоқда.

Хориждан қайтган ёшлар жамиятимизға «тоза қон» олиб киришди

Янги Ўзбекистон иқтисодий пойдеворини қуриш жараёнида Президент Мирзиёев яратган янгиликлардан яна бири ёшларға муносабатнинг кескин ўзгарганили билан боғлиқ.

Давлат раҳбарининг шахсан ўзи ёшлар билан учрашувлар ташқил эта бошлади. Хорижий ташрифларда ҳам ўша мамлакатларда ўқиётган ва ишлаётган ёш ватандошларимиз билан мулоқотлар ўтказиш одат тусига кирди. Бу тадбирларнинг эркин фикр алмашиш тарзида ўтказилиши кўпчиликини ҳайратта соларди. Юртбошимиз билан суҳбатда ўзларининг факулдада иқтидорини намойён этган талабаларнинг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши ҳам кўпчиликини лол этди.

Бу билан Президентимиз чуқур билимли ва янгиға фикрлай оладиган ёш иқтидорлар юртимизда юксак қадрланишини намойиш этди. Хорижда муваффақиятға эришган ватандошларимиз юртимизға қайтиб кела бошлашди. Бу ишларнинг мамлакатимиз ёшларига қанчалик ижобий таъсир қилганини сўз билан тушунтириш қийин. Салкам 30 йиллик даврда йўқ бўлиб кетган илм олишға интилишнинг яна қайта тикланишида ёшларни, шу жумладан, хориждаги йилит-қизларини раҳбарлик ишларига кенг жалб қилиш катта аҳамият касб этди.

Ҳақиқий бозор иқтисодиётини барпо қилиш учун ривожланган давлатлардаги университетларни битирган, ишлаган, уни ўз ҳаётида қўрган ёшларни ишға жалб этишнинг аҳамияти жуда катта бўлди. Бу ватандошларимиз жамиятимизға гўё «тоза қон» олиб киришди. Демак, Президент узоқ йиллардан бери раҳбарлик лавозимларда ўтирган катта авлод вақиларининг оғи қотиб ва руҳи шундай юрганлиги жамиятимизнинг тараққий қилишиға жиддий тўсиқ бўлиб қолганлигини ва бу ҳолатни ўнглаш зарурлигини билиб юрган.

Хориждан ёш ватандошларимизнинг юртимизға қайтиб келиши ўз самарасини берапти. Уларнинг ичидан Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, нуфузли ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари етилиб чиқди, улар қатор соҳа ва тармоқларда аллақандар қарвонбошлиқни ўз қўлларига олишган.

Тараққиёт стратегияси

Харакатлар стратегиясини ҳаётға татбиқ этиш натижасида янги Ўзбекистонинг барпо қилишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Натижада жамиятимиз ривожининг кейинги босқичиға ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Шу сабабли мамлакатимиз тараққиёти кейинги босқичнинг вазифаларини белгилаб бериш мақсадида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2022 — 2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Тараққиёт стратегиясининг пировард мақсади 2026 йилгача аҳоли жон бошиға ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)ни 1750 доллардан 2800 долларға етказиш, 2030 йилға келиб эса бу кўрсаткични 4000 АҚШ долларидан ошириш ва Ўзбекистонни “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига қилиш, яъни аҳоли турмуш фаровонлигини кескин ошириш ҳусобланади.

Бунинг учун келгуси беш йилда ЯИМ ҳажмини 100 миллиард доллардан ошириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини 1,4 баравар қўлайтириш ва камбағаллик даражасини камида 2 баравар қисқартириш кўзда тутилди. Шу мақсадда беш йилда иқтисодиётға рекорд даражада, яъни жами 120 миллиард доллар маблағ йўналтириш, экспорт ҳажминини йиллиға 30 миллиард доллардан ошириш режалаштирилди.

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши Ўзбекистон тараққиётини янги босқичға олиб чиқади, жамиятимиз ҳаётини тубдан ўзгариштириб, халқимиз фаровонлигини кескин оширади, унчинчи Ренессанснинг ташқилий-ҳуқуқий, илмий, маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий асосларини яратди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ, чунки охириги йилларда эришаётган муваффақиятларимиз, жумладан, пандемия ва 2022 йил февралдан бошланган халқаро зиддиятларнинг салбий оқибатларини бартараф этаяётганлиғимиз иқтисодиётимиз асосининг мустаҳкамлиғидан далолат бермоқда. Қолаверса, Президентимиз айтганча, “**Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқимиз**. Барчамиз бир туну бир жон бўлиб, яқдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, халол-поқ бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашға, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишға қодир халқимиз”.

Одил ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.



коммуникациялари ва сувдан самарали фойдаланиш, давлат чегараларидан ўтишни содда-лаштириш каби деярли 30 йилдан бери ҳал бўлмаётган мураккаб муаммоларға ечим топилиди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Тўрқманистон давлатларининг сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ва маърифий алоқаларининг кенгайиши бу мамлакатлар халқларининг ҳаётини ижобий томонға кескин буриб юборди.

Иқтисодий алоқаларнинг қулайлиши натижасида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик даражаси шиддатли равишда ўса бошлади. Хусусан, 2017 — 2019 йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланимаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсиб, 5,2 миллиард долларға етди. Пандемия чекловлари таъсирида у 2020 йилда 5 миллиард долларға тушди. Лекин 2021 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 6,3 миллиард долларға етиб, Ўзбекистон жами ташқи савдосининг 15,1 фоизини ташқил этди. Бу жуда катта кўрсаткич, лекин уни янада қўлайтириш имкониятлари мавжуд ва томонлар шу йўлда ҳаракат қилишмоқда.

Тадбиркорлик тафаккури қайта ўйғонди

Мустабид тузум даврида юртимизда халқнинг бойиб кетишиға қарши курашилди.



Мутасаддилар кам таъминланган, ишсиз, камбағал оилалар, аёллар, ёшлар рўйхатини тузди ва учун учун мос равишда алоҳида “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” яратилди. Мана шу “дафтар”ларға киритилган шахсларнинг, аввало, тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш, кейин уларға мос шарт-шароитлар яратиш, қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилди, уларға “старт капитали” берилди. Жорий йилда маҳалаларда ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари тизими жорий этилганлиги ҳам жараёниға ўз ижобий таъсирини ўткази бошлади.

Хуллас, юртимизда бошланган янги иқтисодий сиёсат туфайли юз минглаб аҳоли тадбиркорға айланди. Натижада бугун тадбиркорлар сони 1,5 миллионға етди ва улар

минглаб янги иш ўринлари яратилди. Ва ўзга юртларда сарсон-саргардонликда ёлланма ишчи бўлиб юрган ватандошларимизнинг катта қисми юртимизға қайтиб келиб, янги Ўзбекистоннинг ана шу қурилиш объектларида ишлаб бошлади.

Сўм конвертацияси ёки иқтисодий тараққиёт тўсиқларидан яна бирининг олиб ташланиши

2017 йилнинг 2 сентябрида Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Валюта сиёсатини ли-

Халқ сўзи Народное слово













МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетимиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятға келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишиға “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.20 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6